

Қайта тикланувчан энергиянинг қурилишдаги ўрни

Шу йилнинг 22 - май куни Krakow Технология Университети (Польша) ташаббуси билан Zoom онлайн платформаси орқали VIII International Conference Arch-Eco халқаро конференцияси ташкил этилди. Эътиборли жиҳати, мазкур конференцияда институтимиз “Электр таъминоти ва қайта тикланувчан энергия манбалари” кафедраси профессори Turtsunov Obid Bobokulovich бошчилигида кафедра профессори Oun Seok Kim ва I курс магистратура талабалари Samandar Nabiiev, Ravshan Turdaliyev, Ruzimurod Erkinov, Jamshid Xudoynazarov ҳамда II курс магистратура талабаси Nurislom Abduganievlar иштирок этилди.



Профессорлар O.B.Turtsunov ва O.S.Kimларнинг конференция очилиш қисмидаги асосий маъruzachi сифатидаги чиқишлари институтимиз профессор-ўқитувчиларига бўлган эътибор халқаро майдонда ҳам ошиб бораётганлигини кўрсатади. Бундан ташқари кафедра профессори O.B.Turtsunov модераторлик қилган “The Role of Renewable Energy in Building, a Green Civil Engineering” секциясида “Электр таъминоти ва қайта тикланувчан энергия манбалари” кафедраси магистрларининг ҳам чиқишлари конференция иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Хулоса қилиб айтганда, мазкур халқаро миқёсдаги конференция ёш изланувчиларимиз учун келажакда илмий изланишларида катта мактаб бўлиб хизмат қилди.

